• *Ғўза парвариши илғорлари ҳақида ҳикоя қиламиз*

# ЎҚУВЧИЛАР ЖАЛБ ЭТИЛМАЙДИ

**ПОП РАЙОНИДАГИ «ПАРТИЯ XXII СЪЕЗДИ» КОЛХОЗИ ДЕҲҚОНЛАРИ ЙИЛЛИК ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН 10 ОКТЯБРДА БАЖАРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИЛАР**

— Пахта роса очилибдими?

Далага оёқ қўйишимиз билан ҳайратдан шундай деб юбордик. Бир текис ўстирилган ғўзаларнинг пастки қисмларида 5—6 тадан катта-катта чаноқлар чарақлаб очилган, яна 7—8 тадан бўлиқ кўсаклар чертсангиз ёрилгудек тўлишиб турибди. Гул ва шоналар ҳам деҳқон меҳрига саховатини инъом этишга шай.

Раҳматилла Дадабоев ғўзаларни аста иккига ажратиб йўл очиб кетаркан, шундай деди:

— Анча бўлди очилганига. Бу йил пахтанинг ривожи ўтган йилгидан икки ҳафта илгари. Шунинг учун йиғим-теримга ҳам анча эрта ҳозирлик кўриб қўйдик.

Ленин ордени нишондори Раҳматилла Дадабоев бошлиқ бригада бу йил 130 гектар ерга «Поп-84» навли чигит экди. Коллектив ҳар гектар ердан 42 центнердан ҳосил олмоқчи. Мажбурияти — 45 центнердан. 70 процент ҳосилни машиналар ёрдамида териб олишади. Мавсумда бирорта ҳам мактаб ўқувчиси дарсни қолдириб, пахта теримида қатнашишига йўл қўйилмайди. Ҳосилнинг асосий қисми биринчи ва иккинчи навларга сотилиши таъминланади. Бунинг учун дефолиацияга эрта киришилади. Машиналарнинг бенуқсон ишлаши, ҳосил сифатига путур етказилмаслигининг чоралари кўриляпти.

Дилбар Абдуллаева бошлиқ бригада даласида ҳам пахтанинг ривожини кўриб, дилингиз яйрайди. Дилбархон бу йил биринчи марта катта коллективга раҳбарлик қиляпти. Лекин бригада аъзоларига балли, улар ўз сардори саркорлигида ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик билан ишлаб, 85 гектар ерга чигитни қисқа муддатларда сифатли экиб, агротехника талабларига мувофиқ парвариш қилишди. Ҳозир 40 центнерлик планнигина эмас, мажбуриятни ҳам қоплашга етадиган ҳосил тугунчалари тўплашмоқда. Олди ғўзаларда 5 тагача кўсак очилган. Яна 7—8 та кўсак қуёш, озуқа ва пахтакор меҳридан баҳраманд бўлмоқда.

— Дефолиацияга олтинчи сентябрда киришамиз, — деди Д. Абдуллаева. — Механизаторларимиздан Ҳамиджон Калонов, Маъмуржон Аҳмедовлар 70 процент пахтани машинада териб бериш учун тайёргарлик кўришди. Пахтани ўз кучимиз билан йиғиштириб оламиз. Планни 10 октябргача бажаришни ўйлаб турибмиз.

Эргашали Деҳқонов ҳам Попда ном чиқарган бригада бошлиқларидан. У етакчилик қилаётган коллектив бу йил ҳар гектар ердан пландаги 40,6 центнер ўрнига 45 центнердан пахта йиғиштириб олишни кўзлаб турибди.

— Бригадамиз механизаторларидан Баҳодир Мўйдинов, Абдуманноп Жўраевлар 80 процент ҳосилни машинада териб беришади, — дейди Э. Деҳқонов. — Ўқувчиларни жалб этмасдан планни октябрнинг бошларидаёқ бажарамиз.

Сойимбой Хўжаназаров бошлиқ деҳқонлар бу йил 140 гектар ерга чигит экишган. Уларнинг ҳам планлари юқори. Ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етиштиришлари керак.

— Биз ҳам бу йил асосий эътиборни ҳосилни машиналарда теришга қаратамиз, — дейди С. Хўжаназаров. — Етмиш процент майдондаги пахтани механизаторлар Содиқжон Обидов билан Йигитали Мирзаев териб беришади. Ўз ишчи кучларимиздан унумли фойдаланиб, бирорта ҳам ўқувчини дарс қолдириб, пахта теришига йўл қўймаймиз. Илгари ўқувчилар кучига кўз тикиб юрардик. Сўнгги йилларда бунга барҳам берилди. Бу йил ҳам албатта, шундай бўлади.

Поп районидаги «Партия XXII съезди» колхозида тажрибали пахтакорлар кўп. Хўжаликдаги барча бригадаларнинг бошлиқлари, жумладан, Мирзабой Салимов, Охунбой Аҳмедов, Қосимжон Носиралиев, Исмоил Қорабоев, Жўра Эргашев, Носирали Тожибоев, Алиёр Арслонов ва бошқа бир қатор деҳқонлар билан ҳам суҳбатда бўлдик. Улар бу йилги пахтанинг ҳолати ҳар қачонгидан яхшилигини, бироқ шундай бўлса-да, ғўза парвариши ҳамда ишловни бир зум ҳам бўшаштирмаётганликларини айтишди. Шу билан бирга, пахта йиғим-теримига кўрилаётган пухта тараддуд, дефолиацияга мақбул муддатларда киришиб, ҳосилни асосан машиналарда териб олишга қарор қилганликларини сўзлаб беришди.

Пахтанинг эрта пишиб етилаётганлигининг сабаблари нималарда, фақат об-ҳавонинг қулай келганидами? Бу саволга деҳқончилик цехи бошлиғи Раҳматжон Мирзаахмедов лўнда жавоб берди:

— Пахта етиштиришда бу йил фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланяпмиз. Асосий майдонларда «Т—4» ва «Невал» биостимуляторлари қўлланилди. Ғўза шоналарига розалин биостимулятори билан ишлов бердик. Бу гул ва шоналарни тўла сақлаб қолди. Ғўзани озиқлантириш асосан 10 июлда тугалланган эди. Кейинчалик тошлоқ ерлардаги кам қувват ғўзаларни баргидан озиқлантирдик. Ҳар гектар майдонга 1,5—2 килограмм азотнинг сувдаги эритмаси самолётда сепилди. Ғўзалар бир текис ривожланиб, ҳосил элементлари тўплашида бу усул катта омил бўлди.

Колхоз икки йилдан бери чек усулига ўтиб ишлаяпти. Ўтган йили колхоз ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янги формаларини жорий этгани туфайли 1 миллион 283 минг сўм соф фойда олишга эришди. Рентабеллик даражаси 31,1 процентга етди. Йиллик иш ҳақи фонди 57 минг сўмни ташкил этадиган 38 кишидан иборат маъмурий-бошқариш аппарати қисқартирилди. Амалда бошқаришнинг уч поғонали усулидан икки поғонали усулига ўтилди. Бултур йиллик план уддаланмаган бўлса ҳам ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта йиғиштириб олинди. 52 процент ҳосил фақат биринчи сортга сотилди. Етиштирилган пахтадан 34,6 процентдан тола олинди. Бу йил оила ва ижара пудратига ҳам катта эътибор берилмоқда. 83 та оилавий звено кам сарф-харажат билан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун ҳаракат қилмоқда.

Колхозда пахта териш машиналари, прицеплар, транспорт тракторлари мавсумга шай. Кераклн эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари жам. Дефолиацияга 6 сентябрдан киришилади. Бу йил ҳам аввалги йиллардагидек барча майдонларга дефолиантлар самолётларда сепилади. Ғўза баргини сунъий тўктиришда УДМ препаратининг Поп варианти қўлланилади. Маълумки, дефолиацияда УДМ препаратларидан хлорат магний билан аммофос аралашмасидан фойдаланилганида, аммофос яхши эримай, пуркагич аппаратларининг тешикларини тўсиб қўйиши оқибатида дефолиантлар ровон сепилмай, ғўза барги тўлиқ тўкилмасди. Попликлар УДМ препаратларини бошқача тартибда ишлатишяпти. Улар хлорат-магний билан аммофос ўрнига УДМ туркумига кирувчи препаратлардан — хлорат-хлориди билан карбамиддан фойдаланишади. Бу моддалар тез эрийди. Чўкма ҳосил қилмайди. Ғўза барглари 8-10 кунда тўкилади. Бунда ҳар 100 литр сув ҳисобига 10 килограммдан карбомид ўғити яхшилаб эритилади. 100 литр эритмага 14 килограмм ҳисобида кальций хлорат-хлоридини аралаштириш йўли билан эритма тайёрланади. У махсус насосларда аралаштирилади. Икки соатча тиндирилгач, самолёт бакларига қуйилади. Ҳар гектар пахтазорга 100 килограмм эритма сарфланади.

Бутифосдан бутунлай воз кечилгани атроф-муҳитни, айниқса инсон саломатлигини муҳофаза қилишда беқиёс аҳамиятга эга бўлаётир.

Йиғим-терим пайтида далалар микрокарталарга бўлиб, номерлаб чиқилади. Ҳар бир карта етилишига қараб, навбат билан териб борилади. Терими тугалланган картага 10-12 кундан кейингина одам киритилади. Бу ҳосилнинг хом, сифатсиз терилишига йўл қўймайди. Ҳар бир механизатор йил бўйи ўзи ишлаган бригада даласида пахта теради. Механизаторга терган тоннасига эмас, балки гектарига қараб ҳақ тўланади. Уларнинг ишини сифат комиссияси текшириб боради. Агар бир гектар ерда 5 процентгача ҳосил тўкилишига йўл қўйилган бўлса, механизатор 12 сўм ҳақ олади. Мабодо 10 процентгача ҳосил тўкилган бўлса, гектар учун 5 сўм иш ҳақи тўланади. Масалан, механизатор 10 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта тергани учун 75 сўм иш ҳақи олади. Агар ҳар гектарда ерга тўкилган ҳосил 5 процентдан ошмаса, яна 120 сўм қўшимча ҳақ берилади.

Пахтакорлар ўқувчиларни оммавий теримга жалб этмай, планда кўзда тутилган ҳосилни ўз кучлари билан 10 октябргача йиғиштириб олишга аҳд қилишди. Улар бунга қандай эришмоқчилар? Колхоз бу йил 1076 гектар майдоннинг ҳар гектаридан салкам 40 центнердан, жами 4260 тонна пахта етиштириши керак. Ҳосилнинг 2160 тоннаси машиналарда терилади. Ерга тўкилиши мумкин бўлган пахтани териш учун (агар ҳар бир кишига ўртача бир кунда соф пахта ҳисобида 30 килограммдан норма белгиланса) 13300 ишчи куни керак. 600 тонна уруғлик пахтани йиғиштириб олиш учун (кунлик ўртача норма 40 килограмм) 15 минг ишчи куни зарур. Қолган 1100 тонна ҳосилни теришга (кунлик норма 50 килограмм) 22 минг ишчи куни лозим. Демак, йиллик пахта тайёрлаш планини бажариш учун 40300 ишчи куни талаб этилади. Мавсум 50 кун давом этади деб ҳисобласак, пахта теримида кунига 806 киши иштирок этиши керак. Жами колхозчилар сони 540 киши. Уларнинг ҳаммалари бевосита теримда қатнашадилар. Шунингдек, уч юз нафардан зиёд болали аёллар, пенсионерлар ҳам теримда иштирок этишади. Демак, колхоз етиштирилган пахтани ўз кучи билан мактаб ўқувчиларини дарсдан қолдирмай териб олиши учун шарт ва шароит бор. Эндиги гап — фақат теримни энг мақбул муддатларда бошлаб, унга моҳирлик билан раҳбарлик қилишда қолди. Ғўза ривожининг ҳозирги ҳолати, бригада ва звено бошлиқларининг шу кунлардаги кайфияти, меҳнат шижоатлари колхозда йиллик пахта тайёрлаш плани аҳд қилинган кунда бажарилиши мумкинлигидан далолат беряпти.

Колхоз правлениеси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бунинг учун деҳқонларга зарур бўлган барча қулайликларни яратишга ҳаракат қилишмоқда. Дала шийпонлари пахтакорларнинг иккинчи уйларига, оммавий-сиёсий, партиявий-ташкилий ишларнинг марказига айлантирилади. Пахта нобудгарчилиги олдини олишда халқ назоратчиларининг ишлари жонлантирилади. Теримчилар, механик-ҳайдовчилар, бригада ва звенолар ўртасидаги социалистик мусобақа ҳар беш кунда якунланиб, ғолиблар тақдирланади. Колхозчилар беш йилликнинг учинчи йили учун белгиланган бошқа соҳадаги план ва мажбуриятларни ҳам ошириб бажариш чора-тадбирларини кўришмоқда.

**А. НИЁЗОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**





• *Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?*

**Пойтахтимизнинг Железнодорожная кўчасидаги паркда очилган «Ором» кафеси хўрандаларнинг севимли масканига айланиб қолди.**

**Суратларда: «Ором» кафесининг залларидан бирида. Ошпаз Жўра Қодиров Кавказча шашлик тайёрламоқда.**

**Р. Нуриддинов** фотоси. (ЎзТАГ).

# МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГ... ШАКАР СОТМОҚДА

**ФАКТ ВА ШАРҲ**

Марказий универмаг ходимлари Самарқанд уйсозлик комбинатида «Электробитмаш» бирлашмасида, чой қадоқлаш фабрикасида кўчма савдо йўли билан шакар сотдилар.

Улар ана шу танқис маҳсулотни Тожикистоннинг Кўлоб областидан олиб келишди. Вахш район матлубот жамияти аҳоли эҳтиёжига нисбатан анча кўп шакар олган эди. Лекин бу ерда планлаштиришдаги англашилмовчиликлар сабабли турли газмоллар етишмасди.

— Омборларимиз турли газламалар, айниқса сунъий газламалар билан тўлиб кетган эди, — дейди Самарқанд Марказий универмаги директори Р. Азимов. — Коллективимиз қарийб бир йилдан бери хўжалик ҳисобида ишламоқда. Товар оборотининг камайиши, омборларда маҳсулотларнинг тиқилиб ётиши сотувчилар ва товаршуносларнинг маошига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шундай қилиб, биз тожикистонлик ҳамкасбларимизга ўзаро фойдали бўлган товар алмашувини йўлга қўйишни таклиф этдик.

Самарқандликлар қардош республикага 150 минг сўмлик товар жўнатишди. Омилкор хўжалик ходимлари у ердан шакар, гиламлар, қандиллар олиб келишди. Хуллас, шаҳар аҳолисининг эҳтиёжи катта бўлган барча нарсалар келтирилди. Натижада область маркази меҳнатчиларининг эҳтиёжи қондирилди, товар обороти плани бажарилди. Бу эса универмаг ходимлари бир маромда яхши маош олишларига кафолат беради.

**(ЎзТАГ мухбири).**
**Самарқанд.**

* * *

**Ўзбекистон ахборот агентлиги мухбирининг бу хабарини республика Савдо министрлигида шарҳлаб беришларини илтимос қилдик.**

— Уларнинг бу иши яхшими ёки ёмонми? Ўзаро келишиб олинган савдо битимида бирорта ножўя ният йўқмикан? Ўқувчиларда ана шундай саволлар туғилиши мумкин. Чунки, бу ерда гап ҳозир жуда ҳам етишмаётган шакар ҳақида кетяпти. Бу саволга: «яхши ташаббус» деб жавоб берамиз. Савдода ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва тўла хўжалик ҳисоби сунъий равишда юзага келаётган танқисликни тугатиши мумкин ва лозим. Бундай усул айниқса, кундалик энг зарур молларга бўлган талабни қондиришда жуда қўл келади.

Савдода хўжалик ҳисоби харидорларнинг эҳтиёжига тезлик билан жавоб беришни назарда тутади. Бироқ планлаштиришдаги оқилона ҳамда самарали системанинг етишмаслиги, ундаги англашилмовчиликлар ва хатолар натижасида кутилмаган ҳолатлар рўй бермоқда.

Атиги икки йилгина муқаддам ана шундай иш юритиш ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўролмас эдик. Хўжалик юритишнинг янги усуллари савдога аслида турғунлик, маъмурий-буйруқбозлик даврида йўқотилган кўп нарсаларни қайтариб берди. Чаққонлик билан ҳаракат қилиб, харидорларга тез хизмат кўрсатишни ўйлайдиган бўлиб қолдик. Чунончи, республиканинг хўжалик ҳисобига ўтган кўпгина универмагларида бўлимлар йириклаштирилди. Уларнинг ҳар бирига омбор «бириктириб» қўйилди. Қанча кўп мол сотишса, шунча кўп иш ҳақи олишяпти. Бу ерда ҳамма нарса жўн ва равшан. Лекин, ҳалигача, нимани сотиш керак? — деган савол кўндаланг турибди.

Худди ана шу саволга жавоб бериш учун савдо ташкилотлари мураккаб ҳолатларда тўғри йўл танлашлари ва ўз қобилиятларини намоён этишлари лозим. Тошкент марказий универмаги хориждаги бозорлар билан ҳам алоқа ўрната бошлади. Венгрия универмаглари билан тузилган шартномалар унга катта фойда келтирмоқда. Самарқандликлар эса бошқача йўл тутдилар. Қардош республика билан мол айирбошлаш натижасида омборхоналар анча енгиллашади, мавжуд танқислик камаяди. Айни вақтда фақат саноат моллари билан савдо қилиб келган Самарқанд марказий универмаги Кўлоб области савдо ташкилотларидан пишлоқ сотиб олиш ҳақида ҳам келишиб олди. Чунки аҳолининг пишлоққа бўлган эҳтиёжи катта. Марказий универмагда ёки шаҳардаги бошқа дўконларда тиқилиб ётган моллар Тожикистонга жўнатилади.

Гап шакар ҳақида кетаётган экан, ҳозирги вазият умидбахш эканлигини айтиб ўтмоқчимиз. Тўртинчи квартал учун республикага ажратилган фондлар ана шу танқисликни бутунлай тугатиш имконини беради. Масаланинг кейинчалик ҳал этилиши эса мамлакат қишлоқ меҳнатчилари қанд лавлагидан қандай ҳосил олишларига боғлиқ.

**● ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ ● ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ ● ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ**

# Нажибуллонинг матбуот конференцияси

КОБУЛ, 16 август. (ТАСС). Афғонистон Республикасининг Президенти Нажибулло чет эллик журналистлар учун ўтказилган матбуот конференциясида сўзга чиқди. Афғонистондаги ҳозирги вазиятга икки йўлнинг мухолифлиги хосдир, деди Нажибулло. Бир жиҳатдан Женева битимлари ва ички сиёсий муроса асосида вазиятни тартибга солишнинг ижобий, соғлом жараёни тобора ривожланиб бормоқда. Иккинчидан эса, Афғонистондаги ва унинг теварагидаги вазиятни кескинлаштиришга уринишлар давом этмоқда. Сизнинг Афғонистонга келишингизга сабаб бўлган воқеа ҳам регионлардаги чигал можароларни бартараф этиш учун жаҳон аҳли қўлига реал имконият берган Женева битимлари яшаб, амал қилаётганлигидан далолат бериб турибди, деди давлат бошлиғи. Сизнинг кўз ўнгингизда совет қўшинлари чекланган қисмининг 50 процентини Ватанига қайтариш тугалланмоқда.

Женева битимлари кучга кирган пайтданоқ Покистон территориясидан мамлакатимизга қарши агрессив хатти-ҳаракатлар кескин кучайди. Бу ўринда гап Покистон ҳукуматига қарши гуруҳларнинг ҳарбий базалари ва қуролли қўшилмаларини тугатиш юзасидан ўз зиммасидаги мажбуриятларни бажармаётганлиги хусусидагина эмас. Таассуф билан шуни айтиш керакки, Исломобод Афғонистонга қарши очиқдан-очиқ иғвогарона кампанияга актив қўшилди. Президент журналистларни исёнчиларнинг 180 дан кўпроқ ҳарбий тайёргарлик маркази ва карвон йўлидаги 50 та базаси ва қурол-яроғ омбори белгилаб қўйилган Покистон харитаси билан таништирди.

Ҳозирги вақтда афғон халқи интервенцияга йўлиқди, ташқаридан бўлаётган кучли мафкуравий тазйиққа дуч келди. Баъзи бировлар хориждан бўладиган ёрдамга таяниб, мамлакатимизда «еттилар уюшмасининг» ҳукмронлигини ўрнатишга уринмоқдалар. Аммо бу ҳалокатли йўл бўлиб, у Афғонистон халқи учун ҳалокатли оқибат келтириши мумкин.

Совет қўшинлари олиб чиқиб кетилиши арафасида айрим мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари «қўшинларни олиб чиқиб кетиш» бошланиши биланоқ Кобулдаги режим қулайди, деб зўр бериб миш-мишлар тарқатишган эди. Эндиликда эса экстремистларнинг энг ишончли ҳомийлари ҳам бундай «башорат» қилишдан ўзларини бир қадар тийиб турибдилар. Хориждан кучли тазйиқ бўлмаса, халқ ҳукуматини ағдариб ташлаш мумкин эмаслиги Афғонистонга қарши кучлар ва уларнинг хоҳиш-иродасини бажараётганларга узил-кесил равшан бўлиб қолди, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам тинчлик ва можарони бартараф этиш душманлари аралашувни кучайтирдилар. Шунинг учун ҳам улар жуда шошилишмоқда, зеро давр уларнинг пойига болта урмоқда.

Шу ойлардаги оғир синовларда халқ ҳокимияти ўзининг ҳаётийлигини, қуролли кучлар эса республикани ҳимоя қилиш вазифаларини мустақил ҳал этишга қодирлигини исботлади. Қалат, Жалолобод, Ғазнадаги воқеалар шуни намойиш этди. Экстремистларнинг вилоятлар ва шаҳарларни босиб олиш тўғрисида тўрт томонга жар солишлари қуруқ гап бўлиб қолди. Мамлакатдаги ҳарбий-сиёсий вазият мураккаблигича қолмоқда, албатта. Мен буни жўнлаштириш ниятида эмасман. Эстремистларнинг катта кучлари юборилган Тахар, Қуддуз, Кунардаги вазият ниҳоятда ёмонлашди. Кунардаги ҳукумат қўшинларига қарши ҳарбий ҳаракатларда Америкада ишлаб чиқарилган энг янги қурол-яроғни қўллаётган Покистондаги Малиш қабиласи лашкарлари иштирок этмоқда.

Ана шу воқеалар чоғида экстремистларнинг кимлиги яна бир бор аён бўлди. Ҳужум чоғида тинч аҳоли талон-торож қилинмоқда ва қон қақшамоқда, иморатлар бекордан-бекорга вайрон бўлмоқда. Қўрбошиларнинг ҳомийлари эса уларни «дин ҳимоячилари» деб атамоқдалар.

Агар Покистон Женева битимларини бузишни давом эттираверадиган бўлса, у ҳолда Афғонистон Республикаси давлат ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вазиятга мувофиқ тарзда чоралар кўришга мажбур бўлади, деб таъкидлади Нажибулло. Бу қандай тусда бўлишини гапириш эрта, аммо биз Покистон ва бошқа манфаатдор томонлар Женева битимларини бузишни тўхтатадилар ва ақл-идрок даъватига қулоқ соладилар, деб умид қиламиз. БМТ зиммасига кафолат олган мамлакатлар, миллатларнинг жаҳон ҳамжамияти бузғунчиларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари пайини қирқиш учун зарур имкониятларга эгадирлар, деб ўйлайман.

АХДПдаги аҳвол хусусида гапириб, Президент партия бирликка эришди, у янгича яшамоқда, партия аъзолари олдида мураккаб вазифалар турибди, деб таъкидлади. Қарашлар ва баҳолардаги турли-туманлик ҳаракатлар бирлиги йўқ, деган маънони билдирмайди. Партия ичида миллий яраш сиёсатини амалга оширишга халал берадиган омиллар йўқ. Афғонистон Халқ Демократик партияси жамиятдаги энг таъсирчан куч бўлиб турибди.

Афғонистондаги бир қанча вилоятлардаги аҳволга тўхталиб, Нажибулло «Қандаҳордаги вазиятни «уруш вақти шароитларидаги нормал вазият» деб атади. Кундузда ҳукумат қўшинлари ташаббусни ўз қўлларига олдилар, шаҳар исёнчилардан тозаланди, деб таъкидлади Президент.

Бугуноқ Афғонистон Республикаси ҳукумати баёнот эълон қилди. Унда Женева битимлари амал қила бошлаганидан кейин орадан ўтган уч ой мобайнида Афғонистон Республикаси ҳукумати ўз зиммасига олган мажбуриятларни аниқ ва изчил бажариш учун бутун куч-ғайратини сарфлаганлиги таъкидланади. Женева битимларининг халқаро кафолатчиларидан бири бўлган Совет Иттифоқи билан тўла ҳамжиҳатлик руҳида ҳаракат қилаётган Афғонистон Совет қўшинларини олиб чиқиб кетиш хусусида эълон қилинган график қатъий бажарилиши учун барча ишларни қилмоқда. Бугунга қадар Женева битимларига мувофиқ совет ҳарбий қисмларининг ярми Ватанига қайтиб кетди.

Афғонистон Республикаси Женева битимларини астойдил ва ҳалол бажаришга интилаётганлиги туфайли ватанимизнинг халқаро обрўси анча мустаҳкамланди.

Афсуски, Покистон сўнгги уч ой мобайнида Женева битимларининг бирорта бандини ҳам бажаргани йўқ, дейилади сўнгра ҳужжатда. Покистон Афғонистонга қарши кучларнинг лагерлари ва базаларини тугатгани йўқ, Афғонистон территориясига оппозициянинг қуролли отрядларини жўнатишни ва уларни таъминлашни давом эттирмоқда, қочоқларнинг қайтиб келишига халал бермоқда. Бунинг устига, Исломобод режими Афғонистон ишларига аралашишни кескин кучайтирди. Женева битимларининг бажарилиши устидан ўз зиммасига халқаро мажбуриятлар олган АҚШ маъмурияти Покистон маъмурларининг бузғунчилик йўлига ғов солмаяпти ва шундай қилиб, уларнинг қўпорувчилик хатти-ҳаракатларини рағбатлантирмоқда. Покистон ва унинг ортида турган кучларнинг ана шундай хатти-ҳаракатлари Женева битимларини оёқ ости қилишгина эмас, БМТга очиқдан-очиқ қарши чиқиш, халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган нормалари ва принципларини батамом рад этишдир.

Четдан бўладиган қўпорувчилик кампанияси кучайди, мазкур кампания чинакам психологик уруш миқёсини касб этди. Баъзилар бу уруш Кобул ҳукуматига қарши олиб борилмоқда, деб ўйлашади. Бу катта хатодир. Психологик уруш афғонлар ҳукуматни қўллаб-қувватлайдими ёки оппозиция томонидами, бундан қатъи назар, барча афғонлар, бутун афғон халқига қарши олиб борилмоқда, чунки бундай урушдан мақсад миллий бирлик, мамлакатда тинчлик тикланишига йўл қўймасликдир.

Покистон ўз мажбуриятларига зид тарзда муросасиз афғон оппозициясини Афғонистон Республикасининг қонуний ҳукуматини ағдаришга очиқдан-очиқ гиж-гижламоқда. Покистон территориясида «мувaққат ҳукумат»нинг мавжудлиги Женева битимларининг ҳам, халқаро ҳуқуққа оид барча эътироф этган нормаларнинг ҳам қўпол бузилишидир. Афғонистон Республикаси ҳукумати бу хатти-ҳаракатларнинг барчасини ўз мамлакати ички ишларига ошкора аралашув деб ҳисоблайди. Афғонистон ҳукумати Покистон томони ниҳоят ақл-идрок билан иш кўради ва калтабинлик билан қилаётган хатти-ҳаракатларининг оқибатлари тўғрисида ўйлаб кўради, деб умидни узгани йўқ.

АҚШ маъмурияти, ниҳоят оғизда эмас, балки амалда Женева битимларининг кафолатчиси сифатида майдонга чиқади, деб умид қилишга Афғонистон ҳукуматининг ҳаққи бор.

Афғонистон ҳукумати БМТ Женева битимларини амалга ошириш борасида ўзининг бутун обрўси ва имкониятларидан фойдаланади, деб ҳисоблайди. БМТнинг назорат механизми — бу таъсирчан воситадир.

Афғонистон Республикаси ҳукумати мамлакатнинг сиёсий мустақиллиги, территориал бутунлиги ва миллий суверенитетига таҳдид солаётган хатти-ҳаракатларнинг бефарқ кузатувчиси бўлиб тура олмайди. Афғонистоннинг ички ишларига аралашиш тўхтатилмаса, бу масалада тўла ҳамжиҳат бўлган Афғонистон Республикаси ва Совет Иттифоқи зарур хулосалар чиқариб оладилар ва вазият талаблари асосида ўз тадбирларини конкретлаштирадилар, деб таъкидланади баёнотда.

• *Бизнинг консультация*

# ОНАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

**«Ҳурматли редакция! Кўп болали ва болали аёлларга кейинги йилларда қандай имтиёзлар берилди?**
**С. ЎРИНБОЕВА, Тошкент область, Калинин райони».**

**Газетхоннинг ушбу саволига Ўзбекистон ССР касаба союзлари Советн давлат социал страхованиеси бўлими инструктори**
**О. Х. АСҚАРОВА**
**жавоб беради:**

— Мамлакатимизда оналар ҳақида, болалар ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш давлат аҳамиятга молик ишдир. Бола тарбиясида оилага ёрдам бериш жамиятимиз социал программасининг муҳим йўналишларидан биридир. Болали оилалар моддий фаровонлигини мустаҳкамлаш мақсадида турли хил нафақалар тўланади: кам таъминланган оилаларга, бола туғилганда ва уларни бир ёшга тўлгунча парвариш қилиш даврида, ёлғиз оналарга нафақа тўланади. Социал таъминот органлари ота-онаси алимент тўлашдан бўйин товлаган балоғат ёшига етмаган болаларга ҳам вақтинчалик нафақа тўлайди. Бундай нафақанинг миқдори ойига ҳар бир болага 20 сўмдан белгиланган.

КПСС XXVII съезди қарорлари мамлакат иқтисодий ва социал тараққиёти Асосий йўналишларига мувофиқ бу беш йилликда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда оилаларга давлат ёрдамини кучайтиришга ва ишлайдиган аёллар учун оналикни меҳнат ва ижтимоий фаолият билан қўшиб олиб боришларига тегишли шароит яратишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1987 йил 2 сентябрь Фармонига асосан агар аёл киши болани тарбиялаш учун берилган отпускаси даврида уйида ёки тўлиқ бўлмаган иш кунида ишлаш истагини билдирса, унга тегишли шароит яратилиши керак. Бундай ҳолларда бола бир ёшга тўлгунча унинг нафақа олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

Ҳомиладор аёл ёки саккиз ёшга тўлмаган боласи бўлган ходима тўлиқ бўлмаган иш куни тартибини белгилаш тўғрисида маъмуриятга мурожаат қилса, унинг бу илтимосини маъмурият рад этишга ҳаққи йўқ. Иш ҳақи эса ходимнинг ишлаган соати ёки тайёрлаган маҳсулотига яраша тўланади.

Бемор болага қараш учун бериладиган варақа муддати ҳам узайтирилди ва 14 календарь куни қилиб белгиланди. Бундай ҳолда биринчи етти кунга ҳақ тўланади. Ёлғиз оналар, бевалар, эридан ажрашган аёллар ва ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилганларнинг хотинларига касаба союзга аъзолиги ва иш стажига қараб дастлабки 10 кунга, саккизинчи кундан бошлаб ўн тўртинчи кунга ва ўн биринчи кундан бошлаб ўн тўртинчи календарь кунига иш ҳақининг 50 проценти миқдорида пул тўланади.

Халқ депутатлари район (шаҳар) Советлари ижроия комитетларига уч ва ундан ортиқ болали ёлғиз ота ёки она томонидан тарбияланаётган кам таъминланган муҳтож оилаларга (агар ҳар бир болага ойига 20 сўмдан кам миқдорда алимент олинса) маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан қўшимча пул тўлаш ҳуқуқи берилди. Қўшимча тўловнинг умумий миқдори олинадиган алиментни ҳисобга олганда ҳар бир болага ойига 20 сўмдан ошмаслиги керак.

1987 йилдан бошлаб уч ва ундан ортиқ 16 ёшга тўлмаган болали, ёлғиз ота ёки она томонидан тарбияланаётган кам таъминланган оилаларнинг ўқувчи болаларига мактаб, спорт, пионер формалари, шунингдек, нонуштa умумий таълим маблағлари ҳисобига текин бериладиган бўлди. Оналар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида 1990 йил 1 сентябрдан бошлаб, ишлайдиган аёлларга туққунигача бериладиган отпускани 70 календарь куни қилиб белгилаш зарур деб топилди.

Ўн иккинчи беш йиллик охиригача болани тарбиялаш учун пул тўланадиган отпуска муддати бола бир ярим ёшга тўлгунча муддатга узайтирилади ва қолган ярим йилга пул тўланмайди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар болаларига нафақа 8 ёшгача эмас, 12 ёшгача тўланадиган бўлади.

# КУРАШГА ДАЪВАТ

**✦ БУЭНОС-АЙРЕС. Чили пойтахтида демократия, адолат ва тинчлик учун курашчиларнинг халқаро учрашуви ниҳоясига етди.**

Чили сиёсат, дин ва жамоат арбобларининг, шунингдек Лотин Америкасидаги бир қанча тадқиқот марказларининг ташаббуси билан чақирилган анжуманда Франция, Испания, Мексика, Перу, Аргентина, Бразилия, Панама, Никарагуа ва Уругвай делегациялари иштирок этдилар. Делегатлар тўрт кун давомида тинчлик, социал-иқтисодий тараққиёт, инсон ҳуқуқлари ва демократия учун кураш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Учрашув қатнашчилари чилилик дин арбоби Хорхе Уртоннинг нутқини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. У демократия, тинчлик, инсон ҳуқуқлари ва адолат учун елкама-елка туриб курашишга даъват этди. Чилида демократия ва социал адолат тикланадиган пайт яқин қолди, деди нотиқ.

